

Ваъдалашилган Бадр ва Давматул жандал ғазоти



15:00 / 21.01.2021 2494

Уҳуд жангининг сўнгида Абу Суфён мусулмонларга қарата: «Биз сизларни келаси йили Бадрда урушга чақирамиз!» деган, мусулмонлар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрлари билан: «Бўлди, ўша жой сен билан бизнинг учрашув жойимиз!» дея ваъдалашган эдилар. Шаъбон ойида Абу Суфён келишилган ваъдага мувофиқ икки минг жангчи билан йўлга чиқди. Йўлда уруш қилиш ниятидан қайтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир минг беш юз киши билан йўлга чиқдилар. Қурайш мушриклари қўрқиб, орқаларига қайтиб кетишди. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кучли матонатларини кўрсатди.

Шаввол ойининг охирларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама онамизга уйландилар.

Давматул жандал ғазоти

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Арабистон яриморолининг шимолидаги Давматул жандал атрофидаги қабилалар йўлтўсарлик қилиб, ўтган-кетганни талаётганлари, Мадинага босқин уюштириш мақсадида каттагина лашкар ҳам тўплашаётгани ҳақида хабар келди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минг кишилик қўшин билан рабиъул аввал ойининг 25-кунида Давматул жандалликларнинг адабини бериб қўйиш мақсадида қўшин тортиб, Мадинадан йўлга чиқдилар. Улар бор-будини мусулмонларга ўлжа қилиб қолдириб, қочиб кетишди.

Шу билан бирга, тинч ҳаёт ҳам давом этар, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам раҳбарлиги остидаги саҳобалар Ислom давлатини Аллоҳ таолонинг бевосита кузатуви билан мукаммаллаштириб борар эдилар. Қуръони Каримнинг оятлари нозил бўлиши билан уларни ҳаётга татбиқ қилишарди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кўп нарсаларни баён қилиб берар эдилар, ибодат, ахлоқ-одоб, муомала ва қонун-қоидалар секин-аста исломийлашиб борар эди. Булар энг муҳим нарсалар бўлиб, уларнинг қандай амалга ошгани тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа китобларимизда батафсил баён қилинган.

Бунинг хабари атрофга тарқалиб, кишиларда Ислomга бўлган қизиқиш ортар ва якка-якка ҳолда келиб, мусулмонлар сафига қўшилар эдилар.

Табиийки, бу ҳолат Ислom душманларини ташвишга солар эди. Мусулмонлар тинчлик-омонликда ўз ҳолларига ташлаб қўйилса, ҳамма улар томонга ўтиб кетишини ўйлаб, хавотирда қолишди. Ниҳоят, ҳаммамиз бирлашиб, мусулмонларни йўқ қилмасак бўлмас экан, деган фикрга келдилар.

«Ислom тарихи» биринчи китобидан